

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”**

Тармоқ маркази директори

\_\_\_\_\_ О.А.Хасанов

2016 йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**“Муסיқа санъатида замонавий тенденциялар”  
модули бўйича**

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

**Малака ошириш курси йўналиши: Муסיқа санъати (турлари бўйича)**

**Тингловчилар контингенти: Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари**

**Тошкент – 2016**

Модулнинг ишчи ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2016 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги \_\_\_-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчилар:** проф. А.Мансуров, проф. Р.Қосимов, проф. Ў.Тошматов,  
проф. М.Раззоқова, кат.ўқит. У.Зуннунова,  
кат. ўқит. С.Туратов.

**Такризчилар:** Жанубий Корея Республикаси Конгук университети  
профессори, PhD Kim In Og,

Х.Раҳимов - Ўзбекистон давлат консерваторияси  
“Бастакорлик ва чолғулаштириш” кафедраси профессори.

Ишчи ўқув дастури ЎзДСМИ хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази мажлисида маъқулланган (2016 йил \_\_\_\_\_ - сонли баённомаси).

## Кириш

Дастур ривожланган мамлакатлардаги мавжуд халқаро тажрибалар асосида яратилган “Муסיқа санъати (турлари бўйича)” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича ишлаб чиқилган намунавий ўқув режа ва дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Ушбу дастурда муסיқа санъати ривожланишида, хусусан XX асрда, XXI асрнинг бошида кузатилаётган замонавий тенденциялар, оқимлар ва жанрларнинг ўзаро бир-бирига таъсири ва новаторлик ходисаларини ўрганишга ёрдам берувчи бошқа маълумотлар баён этилган.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

Муסיқа санъатида замонавий тенденциялар **модулининг мақсади:** Муסיқа санъатининг турли йўналишлари ва жанрларида ривожланиш босқичларини ўзлаштирган ҳолда ушбу санъатнинг дастлабки ва замонавий ҳолатини солиштириш орқали унинг ҳозирги кундаги ўрнини белгилаш орқали фаолият кўрсатаётган композиторлар, дирижёрлар, хонанда ва созандаларнинг тажрибалари мисолида янги замонавий шакл ва услубларни амалиётга татбиқ этиш ва бошқаларни қўллаш учун педагог кадрларни тайёрлашдан иборат.

Муסיқа санъатида замонавий тенденциялар **модулининг вазифалари:**

- бастакорлик, дирижёрлик, хонандалик ва чолғу ижрочилиги каби санъат турларининг ўрнини кўрсатиш;
- муסיқа ижодкорлари ва ижрочиларининг замон талабидан келиб чиқиб маҳоратини ошириш;
- муסיқачиларнинг қирралик масалалари кўрсатиш;
- бастакор, дирижёрлик, хонанда ва созанда касбида мулоқот жараёнларининг такомиллашуви, янги давр муаммолари бўйича маълумотлар бериш ва уларни қўллаш учун педагог кадрларни тайёрлашни таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этишдир.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Муסיқа санъатида замонавий тенденциялар курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчи:**

- муסיқа санъатида муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини;
- муסיқа санъатидаги замонавий йўналиш ва услублар ҳамда тенденцияларни **билиши** лозим.

### **Тингловчи:**

- муסיқа санъатидаги модернизация ва ўзгаришларни ўзлаштирган ҳолда унинг мазмун-моҳиятини талабаларга етказиш;
- муסיқа санъатида таниқли маҳаллий ва хорижий ижодкорларнинг асарлари билан танишиш, таҳлил эта олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- замонавий тенденцияларга асосланиб яратилган муסיқий асарларни ўзлаштириш, концерт-педагогик репертуарларни шакллантиришда қўллаш;
- бастакорлик ижодиётида, барча муסיқий ижрочилик йўналишларида замонавий услублардаги Ўзбекистон ва жаҳон композиторлари, анъанавий бастакорлик, фольклор намуналаридан ва халқ ижоди меросидан самарали фойдаланиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

### **Тингловчи:**

- муסיқа соҳасида машғулотларни юқори савияда ташкил этиш;
- машғулотларни илғор педагогик ҳамда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;
- гуруҳли ва якка тартибдаги машғулотлар учун тегишли фанлар бўйича модулларни ишлаб чиқиш ва модул тизими асосида машғулотларни ташкил этиш;
- муסיқа санъати соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш **компетенциясига** эга бўлиши лозим.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Муסיқа санъатида замонавий тенденциялар” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг қуйидаги замонавий методлари, ахборот коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, шунингдек замонавий тенденциялар асосида яратилган муסיқий намуналар ҳақида маълумотлар бериш;

аудио ва видео ёзувларни тинглаш ва намоиш этиш орқали ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Муסיқа санъатида замонавий тенденциялар” модули мазмуни ўқув режадаги “Муסיқа санъати фанларида замонавий ахборот технологиялари”, “Таълим тизимида номоддий маданий мерос” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида ўқитиладиган “Мутахассислик (турлари бўйича)” ва узвий ўзаро боғлиқ бошқа фанлар бўйича машғулотларни олиб бориш, уларнинг мазмунини янги, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимооти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				Мустақил таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси		Жумладан		
			Жами	Жумладан			
				Назарий			Амалий машғулот
1.	<b>Бастакорлик санъатида замонавий тенденциялар.</b> Бастакорлик санъати ривожланишининг асосий босқичлари. Бастакорлик ижодиёти тарғиботида дирижёрлик	4	2	2		2	

	санъатининг ривожланиш босқичлари. Дунё халқларининг маънавий - маданий ҳаётида замонавий тенденциялар асосида яратилган мусиқанинг тутган ўрни. Дирижёрлик санъатининг ўзига хос томонлари. Услуглар, янги миллий мусиқа мактабларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Дирижёр – катта билим ва тажрибага эга ижодкор, ташкилотчи ва бошқарувчи сифатида. <b>Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.</b>					
2.	<b>Авангардизм.</b> XX аср мусиқасида шакл ва услублар хилма-хиллиги, жанрлар. Мусиқада “модернизм” тушунчасининг пайдо бўлиши, тарихий ва турли инновацион анъаналарнинг вужудга келиши. Мусиқа санъатининг анъанавий услуб ва жанрларини инкор этилиши ва турли композиторлик оқимлари.	2	2		2	
3.	<b>Додекофония, сонорика, пуантилизм, алеаторика, минимализм каби мусиқий композиция тузиш методлари.</b> Замонавий мусиқа яратган композиторлар: Пендерецкий, Шчедрин, Шнитке ва бошқаларнинг ижоди. Гибрит жанрлар. Услуглар плюрализи. Мусиқий тил эволюцияси ва унинг шакл, мусиқий образ ҳосил қилиш механизмига таъсири.	2	2		2	
4.	<b>Ўзбекистон композиторлари ижодида шакл ва услуб муаммоси.</b> Композитор ва фольклор. Шарқ ва Ғарб мусиқасининг интеграцияси. Замонавий дирижёрлик санъати мактаблари.	2	2		2	
5.	<b>Вокал санъатида замонавий тенденциялар.</b> Вокал санъатида стилистик йўналишлар. Миллий ва замонавий куйлаш услублари. Вокал ижрочилигида бадиҳавийлик (импровизация) техникаси. <b>Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш</b>	4	2	2		2

	<b>масалалари.</b>					
6.	<b>Замонавий хонандалик мактаблари.</b> Хорижий давлатларда вокал мактаблар. Вокал ижрочилик санъатида артистик маҳорат ва сахна маданияти.	2	2		2	
7.	<b>Кадрлар тайёрлаш бўйича илғор хорижий тажрибалар.</b> Вокал ижрочилигида замонавий техник воситалар.	2	2		2	
8.	<b>Халқаро хонандалар танловлари ва фестиваллар.</b> Хонандаликда маҳаллий услублар.	2	2		2	
9.	<b>Чолғу ижрочилигида замонавий тенденциялар.</b> Профессional ва ҳаваскор ижрочилик. Чолғу ижрочилигида устоз-шогирд тизими. <b>Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.</b>	4	2	2		2
10.	<b>Мумтоз муסיқани ўргатиш услубининг замонавийлаштирилиши.</b> Таълим тизимида чолғу ижрочилигини ўргатиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибалар.	2	2		2	
11.	<b>Муסיқий асарларни ўзлаштиришда ижрочиликнинг анъанавий ва замонавий услублар.</b> Репертуар танлаш ва чолғу ижрочиларини тайёрлашда индивидуал ёндашув масалалари.	2	2		2	
12.	<b>Машхур чолғучиларнинг ижоди.</b> Улар яратган услубларни таълим жараёнига татбиқ этиш масалалари.	2	2		2	
<b>Жами:</b>		<b>30</b>	<b>24</b>	<b>6</b>	<b>18</b>	<b>6</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу: Бастакорлик санъатида замонавий тенденциялар.

Бастакорлик санъати ривожланишининг асосий босқичлари. Бастакорлик ижодиёти тарғиботида дирижёрлик санъатининг ривожланиш босқичлари. Дунё халқларининг маънавий - маданий ҳаётида замонавий тенденциялар асосида яратилган муסיқанинг тутган ўрни. Дирижёрлик

санъатининг ўзига хос томонлари. Услуглар, янги миллий мусиқа мактабларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Дирижёр – катта билим ва тажрибага эга ижодкор, ташкилотчи ва бошқарувчи сифатида. Замонавий дирижёрлик санъати мактаблари.

Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

*Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар бастакорлик санъатининг пайдо бўлиши, касб сифатида шаклланиши, бастакор касбига нисбатан қўйиладиган талаблар, замонавий мусиқа санъатида бастакор ва дирижёрларнинг ўрни ва унга қўйиладиган талаблар ҳақида маълумот оладилар.*

## **2-мавзу: Вокал санъатида замонавий тенденциялар.**

Вокал санъатида стилистик йўналишлар. Миллий ва замонавий куйлаш услублари. Вокал ижрочилигида бадихавийлик (импровизация) техникаси.

Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

*Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар хонандалик санъатининг пайдо бўлиши, касб сифатида шаклланиши, хонанда касбига нисбатан қўйиладиган талаблар, замонавий мусиқа санъатида хонанданинг ўрни ва унга қўйиладиган талаблар ҳақида маълумот оладилар.*

## **3-мавзу: Чолғу ижрочилигида замонавий тенденциялар.**

Профессионал ва ҳаваскор ижрочилик. Чолғу ижрочилигида устоз-шогирд тизими.

Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

*Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар чолғуларда ижрочилик санъати ва дирижёрлик санъатининг пайдо бўлиши, касб сифатида шаклланиши, созанда ва дирижёр касбига нисбатан қўйиладиган талаблар, замонавий мусиқа санъатида созанда ёки дирижёрнинг ўрни ва унга қўйиладиган талаблар ҳақида маълумот оладилар.*

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Маърузавий машғулотлардан сўнг режалаштирилган амалий машғулотлар маъруза машғулотларининг асосий мавзусига биноан ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма, савол-жавоб, амалий ижро тарзида ёки бошқа шаклда бажарилиши мумкин.

Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида



ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча воситалар, шунингдек оркестр ёки хор жамоалари билан амалий ишлаш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

### **1-амалий машғулот: Авангардизм.**

XX аср мусиқасида шакл ва услублар хилма-хиллиги, жанрлар. Мусиқада “модернизм” тушунчасининг пайдо бўлиши, тарихий ва турли инновацион анъаналарнинг вужудга келиши. Мусиқа санъатининг анъанавий услуб ва жанрларини инкор этилиши ва турли композиторлик оқимлари ҳақида маълумотларга тингловчилар эга бўладилар ва мавзу бўйича кўтарилган масалалар бўйича амалий кўникмаларини намоёниш этадилар.

### **2-амалий машғулот: Додекофония, сонорика, пуантилизм, алеаторика, минимализм каби услубларда мусиқий композиция тузиш методлари.**

Замонавий мусиқа яратган композиторлар: Пендерецкий, Шchedрин, Шнитке ва бошқаларнинг ижоди. Гибрит жанрлар. Услублар плюралиزم. Мусиқий тил эволюцияси ва унинг шакл, мусиқий образ ҳосил қилиш механизмига таъсири. XXI аср мусиқа санъатидаги янги оқимларнинг жанр, шакл ва услубга таъсири. Жанрий экспериментлар натижасида стилизация, полистилистика, индивидуал услублар каби тушунчаларининг пайдо бўлишини тингловчилар билиб оладилар ва мавзу бўйича кўтарилган масалалар бўйича амалий кўникмаларини намоёниш этадилар.

### **3-амалий машғулот: Ўзбекистон композиторлари ижодида шакл ва услуб муаммоси.**

Композитор ва фольклор, Шарқ ва Ғарб мусиқасининг интеграцияси, Россия ва Америкада профессионал дирижёрлар тайёрлаш тизими ва уларнинг мазмуни нималардан иборатлигини тингловчилар билиб оладилар ва мавзу бўйича кўтарилган масалалар бўйича амалий кўникмаларини намоёниш этадилар.

### **4-амалий машғулот: Замонавий хонандалик мактаблари.**

Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар хорижий давлатларда вокал мактаблар тизимлари, улардаги ютуқ ва камчиликларни, вокал ижрочилик санъатида артистик маҳорат ва сахна маданияти, юқори даражадаги машхур профессионал хонандаларнинг ижодий фаолияти ҳақида маълумот олганларидан кейин назарий машғулот режасида кўрсатилган мавзулар

бўйича мустақил равишда сўнги даврда вокал санъати бўйича чоп этилган кўлланма, дарслик ва илмий журналлардан, ИНТЕРНЕТ сайтларидан кўшимча маълумотлар тўплайдилар ва мавзу бўйича кўтарилган масалалар бўйича амалий кўникмаларини намойиш этадилар.

### **5-амалий машғулот: Кадрлар тайёрлаш бўйича илғор хорижий тажрибалар.**

Ушбу мавзунини ўзлаштиришга йўналтирилган машғулот хонанда билиши ва эгаллаши лозим бўлган барча билимларни аниқлаштириш, оқал ижрочилигида замонавий техник воситалар, улардан фойдаланиш учун зарур бўлган шароит, талаб этиладиган кўникмаларни намойиш этиш жараёни, тегишли билимларнинг ўзлаштирилиши ва амалий ижро этилишига бағишланади.

### **6-амалий машғулот: Халқаро хонандалар танловлари ва фестиваллар.**

Мазкур мавзунини ўзлаштиришдан олдин вокал санъатида Халқаро хонандалар танловлари ва фестиваллар ўрни белгилаб олинади. Тажрибали хонандаларнинг қандай услубларда ижодий жараёнларга ўз таъсирини ўтказиши, таъсир кучини ўтказувчи услублар ва самарали фаолият олиб бориши учун зарур бўлган билим-тажрибалар бўйича тингловчилар мустақил равишда (турли хонандаларнинг тажрибалари асосида) маълумотлар тўплайдилар ва ташкил этиладиган амалий машғулот даврида хонандаликнинг маҳаллий услублар хусусида ўз қарашларини баён этадилар. Энг самарали ва илғор деб топилган таъсир воситаларининг янада чуқурроқ ўзлаштирилиши учун бахс-мунозаралар ташкил этилади. Машғулот якунида жамога таъсир воситаларининг энг намунали деб топилганлари умумлаштирилиб, таълим тизимига татбиқ этиш масалалари муҳокама этилади.

### **7-амалий машғулот: Мумтоз мусиқани ўргатиш услубининг замонавийлаштирилиши.**

Таълим тизимида чолғу ижрочилигини ўргатиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибалар, мумтоз мусиқани ўргатиш услубининг замонавийлаштирилишини таълим тизимига татбиқ этиш масалалари муҳокама этилади. Шу мақсадда ўқитувчи гуруҳдаги тингловчиларни кичик гуруҳларга ажратиб, ҳар битта кичик гуруҳга алоҳида мавзуларни ўзлаштириш бўйича топшириқ беради ва блиц-сўров, Т-схема, кластер, график органайзер сингари интерфаол методлар орқали энг фаол ва билимли тингловчиларни аниқлашга ҳаракат қилади. Машғулот якунида тингловчиларга мустақил равишда янги методларни ўзлаштириш бўйича топшириқ берилади.

## **8-амалий машғулот: Мусиқий асарларни ўзлаштиришда ижрочиликнинг анъанавий ва замонавий услублар.**

Амалий машғулот мусиқий асарларни ўзлаштиришда ижрочиликнинг анъанавий ва замонавий услубларини ажрата олишга қаратилади. Репертуар танлаш ва чолғу ижрочиларини тайёрлашда индивидуал ёндашув масалалари хусусида тингловчилар ўзлари фойдаланадиган ахборот технологиялари ва ИНТЕРНЕТ манбалари орқали замонавий созанда образи бўйича ўз қарашларини исботлай оладиган маълумотларни тўплайдилар ва ушбу йўналиш бўйича фикр алмашадилар. Шу билан бир қаторда ўқитувчи таклиф этган мисол доирасида ўз талқини оғзаки шарҳлашнинг энг содда ва осон йўлини танлаб улгурган машҳур созандаларнинг “мастер-класс” (устоз сабоқлари) машғулотларидан намуналарни томоша қилиб, ўз фикрларини баён этишлари учун шароит яратилади.

## **9-амалий машғулот: Машҳур чолғучиларнинг ижоди.**

Европа, миллий, эстрада-жаз йўналишларидаги машҳур чолғучиларнинг ижоди ҳақида давра суҳбати уюштирилиб, фикр-мулоҳазалар юритилади. Улар яратган услубларни таълим жараёнига татбиқ этиш масалалари хусусида тингловчиларнинг фикри, мавжуд муаммолар ўрганилади. Мавзу бўйича ташкил этиладиган амалий машғулот давомида ИНТЕРНЕТ манбалари орқали чолғуларда ижрочилик санъатининг турли йўналишларида сўнгги йиллардаги ютуқлари, амалиётда қўлланилаётган янги шакл ва услублар бўйича мустақил равишда тингловчилар маълумотлар тўплайдилар ва фикр алмашадилар.

## **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модуль бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Изоҳ
1.	Тест топшириқлари	2.5	1 балл
2.	Муסיқий асарни тинглаш ва таҳлил қилиш		1 балл
3.	Мустақил иш		0,5 балл

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008. -176 б.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”. 2011. -440 б.
3. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
4. И.А.Каримов. Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди. Т. “Ўзбекистон”, 2016. – 28 б.
5. И.А.Каримов. Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир. Т. “Ўзбекистон”, 2016. – 28 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини

ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

### **Махсус адабиётлар:**

1. Когоутек Ц. Техника композиции в музыке XX века М., 2015.
2. Габитова А. Минимализм в музыке Т., 2007.
3. Назайкинский Е. Жанр и стиль в музыке – М, 2003.
4. Узбекская музыка на стыке столетий (XX-XXI вв.), проблемы (коллективная монография). Ташкент, 2008.
5. Хакназаров З. – О дирижировании, Т., 2011, изд-во “Musiqqa”
6. Demaree, Robert W., Jr., and Don V Moses. The complete Conductor. Englewood. Cliffs, N.J.: Prentice hall, 2005
7. Elizabeth A.H. Green. The Modern Conductor. Prentice hall, upper Saddle, New Jersey. 2004.
8. The Techniques Orchestral Conducting by Ilya Musin. (Translated by Oleg Proskurnya), Edwin Mellen Press Ltd, 2014, USA
9. “Merkblatt zur Schlagtechnik. Gotsche, Mellin, Geweke 2002-2004, German
10. “Dirigieren für Chorleiter”. Christfried Brodel. Barenreiter Verlag Karl Votterle GmbH&Co.KG, Kassel, 2014, German
11. Ражабов И. “Мақомлар масаласига доир”. Ўздавнашр. Т., 1963 й.
12. Ражабов И. “Мақомлар”. «SAN,AT» нашриёти Т., 2006 й.
13. Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода “Хоразм мусиқий тарихчаси”. М., 1925 й. (эски ўзбек ёзуви). II нашри, 1998 й.
14. Салихов Б. Матёқубов Б «Ўзбекистонда дамли ва зарбли чолғулар Ижрочилиги тарихи» Т., «Муסיқа» 2007 й.
21. Сафаров О. Атоев О. Тўраев Ф. “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари. Т., “Фан” 2005 й.
22. Тўраев Ф. “Бухоро муғаннийлари” Т., “Фан” 2008 й.
23. Фитрат А. “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи”. Т., 1993 й.
24. Дарвеш Али Чангий. Рисолаи мусиқий. ЎЗР ФА ШИ-1, инвентарь

25. Р.Юнусов “Мақом асослари” Т.1990й.  
26. М.Матякубов “Анъанавий ижрочилик услубияти” Т. 2015 й.;

**Интернет ресурслари:**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.dsmi.uz](http://www.dsmi.uz)
3. [www.dsmimarkaz.uz](http://www.dsmimarkaz.uz)
4. [www.conservatory.uz](http://www.conservatory.uz)
5. [www.unesco.org/culture/ich](http://www.unesco.org/culture/ich)
6. [www.ichcap.org](http://www.ichcap.org)
7. [www.nmm.uz](http://www.nmm.uz)
8. [www.natlib.uz](http://www.natlib.uz)
9. [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz)



